

INSON O'ZGARSA - JAMIYAT O'ZGARADI

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ



milliy tiklanish

МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ – ЯНГИ РЕНЕССАНСНИНГ ПОЙДЕВОРИ



3

ЭРКИНЖОН ТУРДИМОВ: «ИЖРО УЧУН РЕАЛ «БАҶО» ҚУЙИЛАДИ...»



2

УКРАИНА: МАНФААТЛАР ТУҶНАШУВИ



7

Ижтимоий тармоқларни «тозалаш» ғояси қўллаб-қувватланди

Жаҳон миқёсида интернет орқали аҳоли, айниқса, ёшларга салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлар тарқатиш қўлами тобора кенгайгани бугунги куннинг аччиқ ҳақиқати.

Баъзи ижтимоий тармоқларда эса зўравонлик, шафқатсизлик ёки порнографияни тарғиб қилиш ҳам кучайди. Ҳатто бу кимлар учундир даромад манбаига айланмоқда.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Жиноят, Жиноят процессуал ва Маъмурий жавобгарлик кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини қабул қилиш ташаббуси айнан ана шундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилгани боис бошқа партия вакиллари томонидан ҳам маъқулланди. Гарчи Жиноят кодексидан (130, 139 ва 140-моддалар) порнография, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилиш ёки тухмат ва ҳақорат учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси чиқариб таш-

ланаётган бўлса-да ушбу ҳуқуқбузарликни амалга ошириш майдони сифатида ОАВ қаторига телекоммуникация ва интернет тармоқлари қўшилаётганини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, Жиноят кодексининг 244-моддаси «Елғон ахборот тарқатиш» ҳақидаги қўшимча билан тўлдирилмоқда.

Шахснинг кадр-қимматини камситувчи, уни обрўсиз-лантиришга олиб келадиган ёлғон ахборотни ОАВ, телекоммуникация тармоқлари ёки Интернетга жойлаштириш орқали тарқатиш базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача миқдордаги жарима (33,4 млн.сўм) ёки 240 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 2 йилгача озодликни чеклаш жазоси билан жазоланади.

Давоми 2-бетда

Мактаб директорларининг 50 фоизидан ортиғини янгилашга мажбурмиз.



Қўқондаги хатоликлар учун ким жавоб беради?

3-бет



Муҳими – қўлни қўлга бериш

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши қошида ҳам «Депутат аёллар клуби» фаолият бошлади. Маъмур тузилма пойтахтлик депутат аёлларнинг бирдамлигига хизмат қилиши билан бир қаторда, ўзаро фикр ва таъриба алмашиш, келажак учун режалар тузиш, аниқ мақсадларни белгилашда майдон бўлишига умид билдирилди.

Ўз навбатида, ушбу клуб хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеини ошириш, ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Қолаверса, партиядан сайланган аёл депутатларнинг ўз ваколатлари доирасидаги фаолиятида эришаётган натижаларини ўртоқлашиш, шунингдек, ҳар қандай масалаларни ўзаро кенгашиб ҳал этишда ҳам клуб фаолияти асқотиши эътироф этилди.

«Депутат аёллар клуби» партиянинг хотин-қизлар масаласидаги фаолиятини кучайтириш, жамиятдаги ўзгаришларга муносабат билдириш нуқтаи назаридан сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган, янги ғоялар ишлаб чиқарадиган тузилма сифатида ташкил этилди ва шу билан бирга, нафақат депутат аёллар мактаби, балки партиянинг «Ақл маркази»га ҳам айлантирилиши лозим, – деди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Мухамеджанова.

Лайлохон МУҲИТДИНОВА, Тошкент шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА ПАРЛАМЕНТДАГИ АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

2

ҒўЗАПОЯМОЗОР МАЖМУАСИ ТИКЛАНДИМИ?

4

«Тўппонча» депутат 4

Граждане! Голосуйте за список № 3 ОРГАНИЗАЦИ УЛЕМА.



«ҚАДИМЧИЛАР» КИМЛАР ЭДИ?



XX асрнинг бошлари Туркистонда ҳам турли сиёсий партия ва оқимларнинг шаклланиш даври бўлди. Қўллаб тарихий манба ва тарих фани дарсликлариде Туркистонда жадидлар ҳаракати ўлканинг сиёсий ҳаётидаги муҳим ҳодисалардан бўлгани қайд этилади. Шубҳасиз, жадидлар турли соҳаларда ислохотлар зарурлиги ҳақидаги ғояларни илгари суришган, газеталар нашр этишган, янги услубдаги мактаблар ташкил қилганлар. Бироқ, улар билан «сиёсий майдон»да «Қадимчилар» ёки «анъаначилар» деган атамага эга бўлган яна бир сиёсий ҳаракат бор эди. Улар ким бўлган ва Туркистон тарихида қандай роль ўйнаган?

Бу ҳақда UzAnalitics сайти мухбири тарихчи олим, Қатағон қурбонлари хотираси музейи директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Мурод Зикриллаев билан суҳбатлашди. Туркистон Россия империяси мустамлақасига айлантирилгач,

маҳаллий халқнинг миллий ва диний қадриятлари, урф-одатлари оёқости қилинди. Мустамлақачилар ислом дини заминиде вужудга келган одоб-ахлоқ меъёрлари, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини издан чиқаришни ҳам ўз олдларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Бу хусусда турли қонунлар ҳам чиқарилган эди-ки, улар маҳаллий халқ манфаатига бутунлай мос келмасди. Масалан, Туркистон генерал-губернаторлигида ўрнатилган тартиб-қоидага мувофиқ, илм ва истеъдодидан қатъи назар, 25 ёшга етган туркистонлик фуқаро волост бошқарувчиси ёки қози бўлиши мумкин эди. Бу тартиб етарли илмга эга бўлмаган кишиларнинг қози, мударрис, имом бўлиб қолишлари учун замин бўлиб хизмат қилди. Ҳолбуки, хонлар замонасида диний лавозимларга шайхулисломнинг ва бошқа уламоларнинг иштирокидаги имтиҳондан ўтгандан кейингина кишилар тайин қилинар эдилар.

Давоми 6-бетда



✓ 2019 йилда «google» қидирув хизмати порнографик маҳсулот ишлаб чиқарувчи 8 мингга яқин сайтларни аниқлаган бўлса, орадан бир йил ўтиб, улар сони 20 мингдан ошган. Шу кунга қадар дунё бўйича 60 мингга яқин ахлоқсиз сайтлар фаолиятига чек қўйилган.



(Бошланиши 1-бетда)



Ижтимоий тармоқларни «тозалаш» ғояси қўллаб-қувватланди

Жамоат тартиби ёки хавфсизлиги учун таҳдидга эга бўлган ёлгон ахборотни тарқатиш, шу жумладан, ОАВ, телекоммуникация тармоқлари ёки Интернетга жойлаштириш орқали тарқатиш, базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача миқдорда жарима (44,6 млн.сўм) ёки 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 2 йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивистлар томонидан ёки кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача (44,6 млн.сўм) 300 бараваригача (66,9 млн.сўм) миқдорда жарима солишга ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар, яъни оммавий тадбирлар жараёнида ёки фавқулодда вазият

ҳолатларида, жуда кўп миқдорда зарар етказилган ҳолда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача (44,6 млн.сўм) 400 бараваригача (89,2 млн.сўм) миқдорда жарима солишга ёки 2 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш билан жазоланиши белгиланмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган ялпи йиғилишида ушбу Қонун лойиҳаси барча фракциялар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Таҳлилларга кўра, 2019 йилнинг ўзида «google» қидирув хизмати порнографик маҳсулот ишлаб чиқарувчи 8 мингга яқин сайтларни аниқлаган бўлса, орадан бир йил ўтиб, улар сони 20 мингдан ошган. Шу кунга қадар дунё бўйича 60 мингга яқин ахлоқсиз сайтлар фаолиятига чек қўйилган. 71 та мамлакатда порнографик маҳсулотларни тайёрлаш, тарқатиш ва сотиш, шунингдек, 51 та давлатда сақлаш ва интернет орқали тарқатиш

тақиқланган.

30 дан ортиқ мамлакатда эса ОАВ ёки Интернет тармоғи орқали тўхмат, ҳақорат (шунингдек, шахсни камситиш, унга нисбатан ёлгон ва оммани чалғитувчи ахборот тарқатганлик) учун ҳуқуқни чеклаш билан боғлиқ жиноий жазо ва юқори жарималар белгиланган. Жумладан, Россияда – 500 мингдан то 5 млн. рублга жарима ёки 160 соатдан 480 соатгача мажбурий жамоат ишлари, Францияда – 569 минг евро жарима ёки 5 йилгача қамоқ жазоси, АҚШнинг 19 та штатида эса бундай хатти-ҳаракат учун қатъий жиноий жавобгарлик белгиланган. Яъни, ОАВда тўхмат, ҳақорат, шунингдек, жамоавий айблаш ёки диффамация учун суд тартибидан 10 мингдан то 250 миң долларгача жарима ёки 6 ойдан 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Германияда 3 ойдан 5 йилгача, Норвегияда 1 йилгача озодликдан маҳрум қилинади.

Р.МАҲМУДОВ
тайёрлади.

Фаолликни ошириш зарур

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Бухоро вилояти кенгаши раиси Махсуд Мухаммедов раислигидаги вилоят Кенгаши ишчи гуруҳи аъзолари Ғиждувон туманида бўлиб, партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, амалий кўмак бериш мақсадида ўрганиш ишларини амалга оширди.

Ишчи гуруҳи томонидан партия Ғиждувон тумани кенгаши ва депутатлик гуруҳининг йил давомида олиб борган фаолияти ижобий баҳоланиб, фаоллик ва иш самарадорлигини янада ошириш юзасидан керакли тавсия ва кўрсатмалар берилди.



Эркинжон Турдимов: «Ижро учун реал «баҳо» қўйилади...»

Самарқандда юртимизга коронавирусни қириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясининг баёнотида белгиланган талабларга қатъий риоя қилиш, унинг ижросини таъминлаш масалалари атрофида муҳокама қилиниб, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тиббий ниқоблардан фойдаланиш, карантин қоидаларига амал қилиш юзасидан тарғибот тадбирларини кўпайтириш лозимлиги таъкидланди.

Мулоқот шаклида ўтган тадбирда ҳудудларни Янги йил байрами руҳига мос безатиш, Янги йил арчалари ўрнатиш ишлари Қўшработ ва Самарқанд туманлари ҳокимликлари, вилоят маданият, жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, вилоят бозорлар уюшмаси томонидан яхши ташкил этилмаётганлиги танқид қилинди. Туман ва шаҳарлар ҳокимлари, сектор ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларига Меҳрибонлик уйлари, SOS болалар маҳалласида тарбияланувчилар учун «Президент арчаси» тадбирини кутаринки руҳда ташкил этиш ва ўтказиш, чин етимларнинг яшаш манзилларига бориб, уларнинг ҳолидан хабар олиш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Туман ва шаҳарлар, корхона ва ташкилотларда байрамга тайёргарлик кўриш, безатиш ишлари вилоят ҳокимлиги ҳамда тегишли мутасаддилар томонидан мунтазам ўрганилиши ва мониторинг қилиб борилиши қайд этилди.

Муҳокама жараёнида вилоят ҳокими бозорларда арзонлаштирилган озиқ-овқат ярмаркаларини ташкил этиш, нарх-наво барқарорлиги ва барча истеъмол товарлари мавжудлигини таъминлаш зарурлигини ўқтириб ўтди.

– Бозордаги нарх барқарорлигини уришиб, сўкиб таъминлаб бўлмайди, – деди Э.Турдимов. – Талабга қараб таклифни кўпайтириш, бозорга кўшимча, кўпроқ маҳсулот киритиш керак. Ҳар бир ҳоким, раҳбар ўзи бозорга бориши, нарх-наво ни кузатиши лозим. Унутмайлик, бозорлар одамлар кайфиятини белгилайди. Муҳокама якунида кун тартибига киритилган масалалар юзасидан берилган топшириқлар ижросини қисқа фурсатларда бажариш, йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг бартараф этилганлигини ўрганиб бориш учун масъуллар белгиланди ҳамда жорий йилнинг 28 декабрь куни ижро ҳолати тор доирада муҳокама этишга келишилди.



ПАРТИЯ ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРНИ ЭЪТИБОРГА ОЛГАН ҲОЛДА ЁШ ОИЛАЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭРКАК ВА АЁЛЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ БАРОБАР ОШИРИШГА ЭРИШИШ, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА АНИҚЛАШ, ЁРДАМГА МУҲТОЖ БЎЛГАН ВА ОҒИР ИЖТИМОЙ АҲВОЛГА ТУШИБ ҚОЛГАНЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ ВА ҚИЗЛАРНИ ОИЛАВИЙ, ХУСУСИЙ ТАДБИРҚОРЛИК ҲАМДА ХУНАРМАНДЧИЛИККА КЎПРОҚ ЖАЛБ ЭТИШНИ УСТУВОР ВАЗИФА СИФАТИДА БИЛАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ
САЙЛОВДИ ДАСТУРИДАН



Тошкентда «Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёлларнинг роли» мавзусида биринчи форум ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА ПАРЛАМЕНТДАГИ АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан БМТ Тараққиёт дастури ҳамда ЕХХТ билан биргаликда ташкил этилган форумда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишдаги тўлақонли иштироки иқтисодий тараққиёт, демократик ривожланиш ва жамиятдаги барқарорликнинг зарур шarti ҳисобланади.

Хотин-қизлар иштирокида қабул қилинган муҳим қарорлар жамиятни демократлаштириш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақиятини таъминлайди. Шу жиҳатдан мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Олиб борилган амалий ишлар натижасида ўтган сайлов якунлари бўйича парламентнинг куйи палатасига 48 нафар аёл депутат этиб сайланди. Депутатлар умумий сонининг 32 фоизини, Сенатда эса 25 фоизни хотин-қизлар ташкил этмоқда. Ўзбекистон тарихида илк марта миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди.

Форумда вакиллик органларига сайланган депутат аёлларнинг фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ўзларига берилган ваколатлардан кенгроқ фойдаланишга оид бир қатор масалалар мавжудлиги, уларни ҳал қилиш нуктаи назардан парламентнинг аёл аъзолари платформасини яратиш зарурлиги таъкидланди.

Қолаверса, ушбу форум хотин-қизларнинг сиёсий майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш ҳамда вакиллик ҳокимияти органларининг парламент билан конструк-

тив алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Форум иштирокчилари хотин-қизлар парламент бирлашмасини ташкил этиш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб, унинг умумий мақсад ва вазифалари, стратегия ҳамда ҳаракат йўналишларини белгилаб олди.

Бундан ташқари, тадбирда мамлакатимиз тараққиётида парламентдаги аёлларнинг ўрнини кучайтиришга оид таклиф ҳамда фикр-мулоҳазалар, янги ғояларни кўриб чиқиш учун иштирокчилар бешта йўналишда муҳокамаи давом эттирди. Хусусан, вакиллик органларига сайланган депутат аёлларнинг Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокига алоҳида ургу берилди. Шу билан бирга, хотин-қизларнинг мамлакатимиз иқтисодий ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантиришдаги фаолиятининг истиқболлари хусусида сўз юритилди.

Илм-фан, таълим-тарбия ва инновация ташаббусларини қўллаб-қувватлаш жараёнида хотин-қизларнинг жалб этиш масалалари ҳам кенг муҳокамага, таклиф ва тавсияларга бой бўлди. Қайд этилганидек, бугунги кунда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга аёллар 25 фоизни, фан доктори (DSc) илмий даражасига эга аёллар эса 20 фоизни ташкил этаётгани соҳада хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Форумда, шунингдек, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, хотин-қизларни таъйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, улар ўртасида юзага келаётган салбий иллатларнинг олдини олишда парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим эканлиги, бунда парламент ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Форум якунида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар умумлаштирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.


Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева иштирок этди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



Яхшилар масъулият билан иш қилишлари учун қонунларга муҳтож бўлмайдилар. Ёмонлар қонунларга чан бериш учун йўл топадилар.

Афлотун



ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING САЙЛОВДИ ДАСТУРИДАН

МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ — ЯНГИ РЕНЕССАНСНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданий мероси — янги Ренессанс пойдевори» деб номланган IV халқаро конгресс ташкил этилди.

Мамлакатимиз маданий меросининг дунё миқёсидаги тарғиботи бағишланган ушбу йирик халқаро анжуман ер юзининг турли чеккаларидаги юртимиз тарихи ва тақдирига бефарқ бўлмаган юзлаб олимларни ўзи атрофда бирлаштирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Ўзбекистон маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти бошқаруви кенгаши раиси Фирдавс Абдулоқов, мамлакатимизнинг ЮНЕСКО

ишлари бўйича Миллий комиссияси бош котиби Гаянэ Умерова ва бошқалар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда маънавий-маърифий янгиланишлар муҳим ўрин эгаллашини таъкидлади.

Бу жараёнда илм-фан, маданият ва санъатга, кинотехника бўлган эътиборни кучайтириш, фан ва инновациялар уйғунлашувига эришиш, таълимнинг барча бўғинларини такомиллаштириш, она тилимизнинг мавқеини кучайтириш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда миллий маданий меросимизни ўрганиш, бу йўналишда хориздаги музей ва кутубхоналар, илмий муассасалар билан ҳамкорликни кучайтириш, чет эллардаги нодир асарларнинг факсимиле кўринишларини юрти-

мизга келтириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Бир неча йилдирки, мамлакатимизда Ўзбекистон маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти самарали фаолият кўрсатмоқда. Юртимиз маданий меросини асраш, ўрганиш, сақлаш ва оммалаштиришда давлат ва жамоат тузилмалари, тадқиқотчилар, экспертлар, олимлар ҳамкорлигида кўмак кўрсатиш ушбу тузилманинг асосий вазифасидир. Ушбу тузилма томонидан «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси муваффақиятли амалга ошириляпти. Лойиҳа доирасида юртимиз тарихи, улуг алломаларимиз асарлари, уларнинг хориздаги қўлёзмаларини ўрганиш, факсимилеларини

келтириш, бу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда. Бу йўналишда тайёрланган тўплам-альбомлар юртимиздаги мактаблар, олий таълим масканлари, кутубхоналарга тақдим этилгани эътиборга моликдир.

ЮНЕСКО бош директорининг маданият масалалари бўйича муовини Эрнесто Оттоне ўз табрик сўзида Ўзбекистоннинг маданий бойлиги мамлакат келажagini қуришда муҳим пойдевор экани, маданият инсонга тенглик ва жамиятлар орасида ўзаро мойиллик уйғотиши, кўпроқ янгиликлар беришини таъкидлади.

Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти директори Ирина Попованинг айтишича, Ўзбекистон маданий мероси дунёнинг

доимий эътиборида бўлиб келган. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан миллий юксалиш, маънавият ва маърифат ривожига катта аҳамият қаратиш борасидаги интилишлар шарқона донишмандлик тамойилига асосланган.

— Шарқ Ренессанси Ўзбекистон тарихи, унинг буюк алломалари билан, аждодларининг бебаҳо маънавий, илмий мероси билан чамбарчас боғлиқдир. — деди Ислом тарихи, маданияти ва санъатини ўрганиш маркази бош директори Халит Эрен. — Ўзбекистон маданий меросига оид тадқиқотларнинг асосий илҳомчиси Президент Шавкат Мирзиёевнинг маърифий-маънавий янгиланиш жараёнларига доир ҳаётбахш ташаббусларидир.

— Биз ҳам юқорида номи келтирилган лойиҳада

қатнашаётимиз. — деди Австрия вакили, ношир Александр Вильгельм. — Бу жараёнда Катталангар Куръони, «Зафарнома», Хусайн Бойқаро девони каби нодир қўлёзмалардаги ёзувларни ўрганишга тўғри келди. Ҳа, чиндан ҳам юртингиз — буюк аждодларга бешик бўлган дийр.

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, бу йўналишда тегишли «Йўл харитаси»ни тасдиқлаш каби масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳақимов сўзга чиқди.

Ҳафталикнинг илк кунда «Миллий либослар — янги Ренессанс дурдонаси» мавзусида модалар намоиши бўлиб ўтди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

ҚЎҚОНДАГИ ХАТОЛИКЛАР УЧУН КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

Миллий матбуот ва ижтимоий тармоқларда Бухоро шаҳар прокурори Ж.Фозиловнинг видеомурожаати ўтаётган ҳафтанинг энг муҳим, айтиш мумкинки, «сенсация» воқеаси сифатида муҳокама қилинди.

Чиндан ҳам, Ўзбекистон тарихида Бош прокурорга нисбатан бу қадар очиқ муносабат билдириш ҳолати илгари кузатилмаган. Кимдир бундай воқеалар аввал ҳам юз берган, фақат сўз эркинлиги таъминланмагани учун улар ҳуқуқ-тартибот идоралари оstonасидан нарига ўтмаган, дейиши ҳам мумкин.

ЎзАнинг ёзишича, Бухоро шаҳар прокурорининг мурожаати юзасидан Республика идораларо комиссияси ҳам тузилган.

Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис Сенати, Президент хузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятидаги Халқ қабулхонаси масъул ходимлари киритилган.

Аммо бизнинг назаримизда, ўтган ҳафтанинг бундан ҳам муҳим воқеаси Фарғонада юз бердики, буни кўпчилик ҳамкасбларимиз сезмай қолдилар, чоғи.

Аниқроғи, ўтган ҳафта Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров Қўқон шаҳридаги мактаблар ҳолатини ўрганиб, журналистлар учун энг катта «сенсация» таълим тизимида рўй бераётганига ишора қилгандек бўлди.

Хусусан, ЎЗА мухбири Н.Насриевнинг ёзишича, Хайрулло Бозоров вилоят Кенгаши сессиясида энг оғриқли масала — халқ таълими тизимидаги муаммолар ва таълим сифатининг ниҳоятда пастлигига жамоатчилик эътиборини қаратган.

Унинг таъкидлашича, Халқ таълими тизими бўйича ўқувчиларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланиш, таълим сифатини яхшилаш кундалик фаолиятимизнинг ажралмас қисмига айланиши керак.

— Мен ўзим Қўқондаги бир қатор мактабларга бориб, ўқувчилар билан суҳбатлашдим, — дейди Х.Бозоров. — Илгари билимизни аниқлаш учун биздан қарра жадвалини сўрашарди. Ҳозирги ўқувчилар ҳатто бугун қандай кун, қайси фанлар ўтилишини, ҳатто санашини ҳам билмаётдилар. Давомат ноль даражада. Очиғини айтиш керак, ўқувчилар онлайн дарсларда умуман қатнашмаганлар. Хўш, эртага уларнинг тақдирини нима бўлади?

Эртага қандай келажак кутяпти бизни? Уларга компьютерда ишлашни ўргатиш керак. Дастурлар у ёқда турсин, компьютер номилигини билишмаяпти ўқувчилар. Алишер Навоий, Амир Темури каби болаларимиз ҳақида эса умуман тушунчага эга эмаслар. Қўқон шаҳри мактабларидаги ҳолат эса ниҳоятда ачинарли. Биз мактаб директорларининг 50 фоизидан ортигини янгилашга мажбуримиз. Ҳозир ушбу шаҳарда комплекс ўрганишлар олиб бориляпти. Бу битта ҳудуддаги ҳолат. Бошқа туман-шаҳарлардаги вазият бундан ҳам баттар бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам барча туманларда ўрганишлар ўтказамиз. Му-



”

ВУНДАН ТЎРТ ОЙЧА ОЛДИН ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ХОДИМЛАРИ УШБУ СОҲАДА 192,4 МИЛЛАРД СЎМ ТЭЛОН-ТАРОҲ ҚИЛИНИБ, ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАВЛАГЛАРИДАН САМАРАСИЗ ФЙДАЛАНИЛГАНИНИ АНИҚЛАГАН БЎЛСАЛАР, ИККИ ҲАФТАЧА ОЛДИН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ИЧКИ АУДИТИ ТОМОНИДАН ТЎЗИМИДА ЯНА 70 МИЛЛАРД СЎМ МИҚДОРДАГИ МАВЛАГ «ГУМДОН» ҚИЛИНГАН МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ.

тасадди раҳбарларнинг ярми эгаллаб турган лавозимларига лойиқ эмаслар.

Умумтаълим мактабларидаги 250 нафардан зиёд директор ҳамда 10 минг 425 нафар педагог ходимни 2021 йил давомида малакасини ошириш чоралари кўрилади. Шунингдек, Қўқон шаҳридаги 41 та умумтаълим мактаби рақамлаштирилади.

Хайрулло Бозоровнинг «Бу

битта ҳудуддаги ҳолат, бошқа туман-шаҳарлардаги вазият бундан ҳам баттар бўлиши мумкин», деган гаплари узоқ йиллар давомида таълим тизимида оғир хатоликларга йўл қўйилганини аниқлади, албатта.

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда таълим тизими давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланган. Ушбу соҳага давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга оширилмоқда. Буни 2020 йилда ушбу соҳага 18,6 триллион сўм миқдорида маблағ ажратилганида ҳам кўриш мумкин. 2021 йилда эса ушбу курсатки қарийб 22 триллионга етади.

Аммо шунга қарамай, ҳар қадамда хатолар, ҳар қадамда ўғирликлар содир бўляпти. Аксарият мактабларда ошоналар етишмаслиги, борлари ҳам энг оддий талабларга жавоб бераётгани, дарсликлар етишмаслиги каби ҳолатлар ушбу тизимдаги ислохотларнинг етарли даражада назорат қилинмаётганидан далолат бермоқда. Шунингдек, мазкур тизим ҳали-ҳануз «чиябурилар» ҳужумидан муҳофаза этилмаганга

ўхшайди. Агар бундан тўрт ойча олдин Ҳисоб палатаси ходимлари ушбу соҳада 192,4 миллиард сўм талон-тороҳ қилиниб, давлат бюджетини маблағларидан самарасиз фойдаланилганини аниқлаган бўлсалар, икки ҳафтача олдин Халқ таълими вазири Ички аудити томонидан тизимда яна 70 миллиард сўм миқдордаги маблағ «гумдон» қилингани маълум қилинди.

Бизнингча, ҳафтанинг энг долзарб мавзуси шу маънода ҳам Фарғонада юз берди. Хусусан, таълим тизимида «барқарор» содир этилаётган ўғирликлар, эртанги кун эгаларининг билим олишларига номингагина қаралаётгани ҳар қандай қонунбузарликлардан муҳимроқдир.

Гарчи маҳаллий раҳбарларнинг мактаб учун, мактабга таълим тизимидаги шароитлар учун жавобгар экани қайта-қайта такрорланган бўлса-да, Қўқондек шаҳри азимда юқоридагидек ҳолатларнинг аниқлангани биринчи навбатда шаҳар ҳокимлиги фаолиятига берилган ҳолис баҳога ўхшайди. Афсуски, кейинги пайтлар Қўқон шаҳрида тадбиркорнинг мол-мулкни талон-то-

роҳ қилиш, ишлаб турган бинолар, иншоотларни қонунга зид тарзда олиб қўйиш ишлари мактаблар, педагоглар ва, албатта ўқувчилар учун қулай шароитлар яратишга қараганда анча жонланди.

Вилоят ҳокимининг юқоридagi фикр-мулоҳазалари эса маҳаллий раҳбарлар зиммасида янада муҳимроқ, янада долзарброқ ишлар борлигини ҳам аниқлади, албатта.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим тарбия ва илм-фанни ривожлантиришга бирламчи эътибор қаратила бошланди. Устозлар, муаллимларга бўлган муносабат ўзгаряпти. Уларнинг иш ҳақини ошириш масаласида ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Аммо Хайрулло Бозоров кўтарган масалалар айрим маҳаллий раҳбарларнинг соҳада амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини ҳалигача англаб етмаётганларини кўрсатмоқда.

Буни доимо иқтидорли фарзандлари, зиёлилари билан доврўқ қозониб келган Қўқондаги ачинарли ҳолат мисолида ҳам кўриш мумкин.

Умид АРСЛОНБЕКОВ.



Зиммангда фарз бўлган нарсани қарз ва бурч ўрнига қўй. Бу ҳол қалбингу дилиннга роҳат баҳи этиб, шону шарафинг ва обрўйингни сақлаш учун энг тўғри йўлдир.

Маҳмуд аз-Замаҳшарий

«Тўппонча» ДЕПУТАТ

«Сиз билан бу борада аввал ҳам гаплашганмиз, ваъдангизни-да обдан эшитганмиз лекин ҳалигача натижа йўқ, агар 20 кун ичида муаммо ҳал этилмаса, масалани халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясига киритамиз... Марварид Эсоновна шундай дея телефон трубкасини қўярдан, менга узрхоҳлик билан боқди-да ҳолатга оидинлик кирита бошлади.

– Вилоят қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи билан гаплашдим. Гап шундаки, Сардоба туманининг Пахтакор МФЙ Олтин водий кўчасида яшовчи аҳоли менга хат билан мурожаат қилиб, «Обод маҳалла» дастури бўйича МФЙдаги икки қаватли уйлар таъмирланганлигини, лекин барча ишлар қўл учида бажарилганлигини баён этишганди. Аҳволни ўрганиб чиқиб, очиги тепа сочим тикка бўлди. Негаки лойиҳадаги ишларнинг ярмиям қилинмаган, ҳамма иш ўлда-жўлда. Масалан, лойиҳада курсатилган уйларнинг кириш жойларига темир эшиклар ўрнатилмаган, йўлақлар асфальтланмаган, тоза ичимлик суви тармоқларини улаш ишлари охиригача етказилмаган, балкон қисмидаги поллар алмаштирилмаган ва ҳоказо... Миллионлаб пул эса вилоят қурилиш бош бошқармаси томонидан «Бахт-СИТИ» деб номланмиш фирма ҳисоб рақамига ўтказиб берилган. Жаноб фирма раҳбари эса пулни чунтақка уриб жуфтакни ростлаган. Бунга масъул вилоят қурилиш бош бошқармаси раҳбари А.Худойназаров эса негедир жим. Бу ҳақда олдин ҳам у билан гаплашиб, ваъдасини олгандим. Бироқ ҳалигача натижа йўқ...

...Сардобага ишга бириктирилганимдан сўнг вилоятнинг барча туманларида бўлдим. Одамлар билан суҳбатлашдим. Партиянинг вилоят, туман кенгашларида бўлиб, фаоллар, депутатлар фаолияти билан ҳам танишдим. Айниқса, Сардоба туманида бўлганимда партиянинг туман кенгаши раиси Қурбон Утаев қизиқ бир гапни айтиб қолди:

– Хоҳласангиз сизни «тўппонча» депутат билан таништираман.

Қизикаётганимни кўриб, изоҳ бера бошлади.

– Биласизми, бизда бир депутат бор. Тумандаги 18-умумтаълим мактабида директорлик қилади. Энг фаол депутатларимиздан. Лекин бир одати бор. Жуда чўрткесар, кўзбўямачиликни ўлгудек ёмон кўради. Ўз ишини вақтида қилмагани, ваъдасини ба-

жармагани тўғри гапи билан «отиб қўя қолади». Лекин айтганини қилдирмай қўймайди. Шунданми, маҳаллий халқ унга «тўппонча» деб лақаб қўйиб олган. Вилоятдаги катта-катта, ташкилот раҳбарлари ҳам у билан ўйлашиб гаплашади.

Навбатдаги сафар чоғида «тўппонча» депутат – Марварид Кенжаева билан у раҳбарлик қилаётган серфайз илм даргоҳида суҳбатлашдик... – Раҳматли отам – Эсон Кенжаев ўз умрини чўлни ўзлаштиришга сарфлади. Қатор йиллар собиқ Янгиобод МФЙга раислик қилди, халқ хизматида бўлди. Тўғриси, жуда ҳақиқатқўй инсон эди. Адолатсизликни кўрса, чидаб туролмасди. Ҳақиқат учун охиригача курашарди. Шу боисданми, биз беш фарзанднинг барчамиз бу хислатдан бебаҳра қолмаганмиз. Ахир олманинг тағига олма тушади, деган гап борку!

Марварид Кенжаева – Эсон ота ва Мўйсина онанинг иккинчи фарзанди. Аслида ота-она учун фарзанднинг бари тенг, баробар. Уларнинг катта-кичиги бўлиши мумкин, бироқ яхши-ёмони бўлмайди. Лекин Эсон ота Марваридга айрича меҳр қўйганди.

«Шу қизнинг кўзидан ҳам, сўзидан ҳам, товонидан ҳам ўт чақнайди-да, кўрасан бу ҳали одамларнинг оғирини енгиллатадиган, хизматини қиладиган инсон бўлади», – дерди ота гоҳ-гоҳида рафиқасига.

– Улуғ одам бўлмай кетсин, – нолирди она қачон қарасанг кап-катта қиз ўғил болалар билан тўп тепгани-тепган, стадиондан бери келмайди, камига ўспиринлар билан кураш тушишига бало борми, бунинг устига ўлгудек тили заҳар, бир гапни адашиб хато айтиб қўйсанг, юзинг кўзинг демай қақиб олади. Ота бўлиб бундай тергасангиз бўлмайдингизми? – гинахон оҳангда сўзларди она.

Ота эса бу дийдиёларга қулимсираб қўя қоларди

Отанинг дуолари вожиб бўлдими, ҳайтовур, Марварид 1990 йилда Сардоба туманидаги Беруний номли 5-ўрта мактабни олтин медал билан битириб, Гулистон давлат

университетининг тарих факультети талабасига айланди. 1995 йилда Олий даргоҳни тамомлаб ўз туманига қайтди ва аввал 15-умумтаълим мактабида, кейинроқ 18-умумтаълим мактабида тарих фанидан дарс берди. Ўз вазифасига ўта масъулия билан ёндашиши, тўғрисиқлиги, ишни қатъий тартиб асосида олиб бориши жомога хуш келиб, уни 1999 йилда директор ўринбосарлигига, 2011 йилда эса мактаб директорлигига сайлашди. Бунда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ҳам ўрни беқиёс бўлди. Чунки у 2015 йилда мазкур партиядан туман кенгаши депутати, 2018 йилда Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгаши депутатлигига сайланган эди. Дарвоқе, Марварид Кенжаева 2019 йилдан буён партия депутатлиги гуруҳи раҳбари вазифасини ҳам сиққидилдан адо этиб келаётган.

– Ҳозиргина вилоят марказидан келиб турувдим, – дейди она, – бу гал бир неча кўзбўямачиларни қаттиқроқ «туртишга тўғри келди. Туманнинг Ҳамид Олимжон ва Бахмал МФЙлари аҳолиси тоза ичимлик сувидан қийналишмоқда. Бу муаммога ечим излаб не-не казозоларнинг эшигини қоқмадим. Алап-оқибат ушбу худудларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш вилоятнинг Инвестиция дастурига киритилди. Тўғри, сув тармоғи МФЙларнинг баъзи кўчаларига тортилди ҳам. Лекин ҳали-ҳануз сувдан дарак йўқ. Яқинда 2019 йилда Инвестиция дастури доирасида вилоятда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот билан танишиб ҳушимни йўқотаёзим. Не кўз билан кўрайки, қоғозда ҳар иккала МФЙ ҳам тоза ичимлик суви билан «аллақачонлар таъминланган», бунинг учун қарийб 5 млрд. сўм маблағ сарфланган экан. «Tunnel Construction and Progekt» номли МЧЖ бу «улуғвор» ишларни бажарган эмиш. Қоним қайнаб, тўғри вилоятга бордим ва ўша кўзбўямачи фирма раҳбари Шерзод Ҳасановни топиб томоғидан гиппа бўғдим. Охир-оқибат шу ҳафта охиригача ҳамма ишни

батамом яқунлаб, сув чиқариб берадиган бўлишди...

Марварид Кенжаевани «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси Х.Ҳосилов ҳам жуда «яхши билади». Чунки депутат шахсан унга Ховос транспорт касб-хунар коллежини битирган ва лекин ҳозирда ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 6 нафар фарзандини Ховос темир йўл корхонасига ишга жойлаштиришда амалий ёрдам сўраб хат ёзди. Жаноб А.Ҳосиловдан садо чиқмагач, унинг номига депутатлик сўрови йўллади. Бу галги расмий мурожаатни ғаладонига ташлаб қўйса, вазият яна чигаллашишини билган раҳбар шу тариқа 6 нафар ёш йигитни ишга қилди-қўйди!

Сардоба тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи З.Турдиева ҳам тепса-тебранмас раҳбарлар сафига қачон қўшилиб қолганлигини, шу босис мудом мудраб юришини ўзиям билмаса керак. Ана шу «мудрашдан уни М.Кенжаева халос қилди. Яъни, туманнинг Бирлашган МФЙдаги Қизилбой ва Сафдор кўчаларига асфальт ётқиштиришдаги ўзига хос ташвиш, елиб югуришлар З.Турдиевани қарахликдан буткул қутқарди. Алақоқибат нафақат икки кўча балки МФЙнинг барча кўчалари туман йўл хўжалиғи бўлими билан ҳамкорликда тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, йўл четлари ободонлаштирилди.

– Эътибор қилсангиз, Давлатимиз раҳбари ҳар бир йиғинда адолат ва ҳақиқат сўзларини жудаям кўп ишлатадилар. Халқ биздан рози бўлсин, дея бот-бот такрорлайдилар. Бу бежизга эмас. Аммо Президентнинг видеоселектордаги нутқини эшитиб, якунида чапак чалиб, чиққач билганича иш тутадиган раҳбарлар ҳам ҳали-ҳануз орамизда учрайди. Шундай бўлгач, бунақа калондимоғ корчалонларни «осмондан тушириб» қўйишга тўғри келяпти. Ва шундай қилаймиз ҳам...

Опа билан хайрлашар эканман уни бежиз «тўппонча» депутат дея атамасликларига ишондим.

Абдуғаффор ОМОНБОВ,
журналист.



Ботир Зарипов:
«Бирон-бир фуқаро муаммоси эътиборсиз қолдирилмайди»

Бухороликлар Ботир Зариповнинг вилоят ҳокими сифатида ижтимоий-иқтисодий ҳаётга жуда тез киришиб кетганини таъкидламоқдалар. Шунингдек, аҳоли билан учрашувлар, жойларда ўтказилаётган сайёр қабулларда вилоятнинг янги раҳбари ҳар қандай фуқаронинг муаммосини ўз муаммосидек қабул қилаётгани айтилмоқда.

Утаётган ҳафтада Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Ботир Зарипов Қорақўл туманида ҳам сайёр қабул ўтказди. Унда қорақўлликлардан ташқари Олот, Гиждувон, Жондор туманлари ва Бухоро шаҳри фуқароларининг ҳам муаммолари эшитилди.

Сайёр қабулда фуқароларнинг 362 та мурожаати 4 та сектор, шунингдек, корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари томонидан эшитилди. Вилоят раҳбари эса 67 нафар фуқаро билан суҳбатлашиб, уларнинг муаммоларини эшитди.

– Сайёр учрашувда маҳалламиз йўллари масаласида мурожаат қилдим, – дейди «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги «Қорақўл» кўчасида яшовчи Гулнора Маллаева. – Мурожаат қилган куннинг ўзида кўчамизда бошланғич таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Қайд этилишича, вилоят раҳбари бирон-бир фуқаронинг мурожаати эътиборсиз қолмаслиги, уларнинг барча саволларига раҳбарлар жавоб беришлари кераклигини таъкидламоқда.



ЎЗАПОЯМОЗОР МАЖМУАСИ ТИКЛАНДИМИ?

Наманган вилояти тарихи ва маданияти Давлат музейи туман филиали мудир М. Акрамовнинг таъкидлашча, Косонсойда 20 та республика ва маҳаллий аҳамиятга эга археологик ва меъморий объект мавжуд бўлиб, шулардан бири Шайх Султон Саид Жалолиддин Сомоний – Ўзапоямозор зияратгоҳидир.

X-XI асрларга мансуб бу обида ҳақида Сайфуддин Ахсикандийнинг «Мажмуа ат-таворих», Исоқхон Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарларида, санъатшунос олим Э.Кон-Винернинг 1930 йилда Германиянинг «Эрнст Вазмут»

нашриётида чоп этилган «Turan: Islamische baukunst in mittelasien» (Турон: Марказий Осиёдаги ислом меъморчилиқ санъати) асарларида тўлиқ маълумотлар берилган.

Жоме маҳалласида жойлашган мажмуа ҳозирги кунда хароб аҳволда. Собиқ иттифоқ даврида унга жиддий шикаст етказилган, бинолар ғишлари кўпориб олинди, бошқа қурилишга ишлатиб юборилган. Бугун фақатгина 1030 йилларда қурилган ҳашаматли айвон (ертўласи билан), шарқий қисмида ер ости йўлининг бошланғич сақланиб қолган, холос. Бу йўл 40 та хужрага олиб боради.

Маълум бўлишича, Ма-

даният вазирлигининг 2021-2025 йилларда Республика маданий-мерос объектларида таъмирлаш-тиклаш ва консервация ишларини олиб бориш мўлжалланган ёдгорликлар рўйхатига Ўзапоямозор мажмуаси ҳам киритилган.


Партия Наманган вилояти кенгаши вакиллари, Косонсой тумани кенгаши раиси Абдусаттор Қаҳҳоров, туман депутатлик гуруҳи раҳбари Фарҳоджон Расулов мазкур мажмуани кўздан кечириб, ушбу тарихий объектни тиклаш, таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш масалаларини назоратга оладиган бўлишди.



НАМАНГАННИНГ БОШ ДИАРЧИСИ АНВАР ИКРОМ КИМ? ЁКИ НАМАНГАНДА ЧИНДАН ҲАМ ШУ ҚАДАР САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДАМИ?
«Миллий тикланиш» муҳбири Намангандаги ўзгаришларни ўрганишга киришди

Келгуси сонларда

Аъзамжон Худойбердиевнинг умри 60 га тўлганини ўқиб қолиб, шошилишча бир ҳис кечди: нимададир кечиккандек бўлдим. Ҳа-я, унинг туғилган кунини пахтазорда нишонлагандик. Шунгаям 40 йил бўлибди. Демак, ушанда у 20 да экан-да. Ииллар суронини қарангки, энди буй курсатаётган усмир билан сочларига оқ оралаб қолган "йигит" (замондошларимиз ўзларини олтимишда ҳам қирчиллама навқирон деб ҳисоблашмаяпти!)нинг сурати тасаввурда асло фарқланмайди. Хотира бир жойда тўхтаб қолгандек гўё. Ҳолбуки, орада нима гаплар ўтмаганди, ўтмади?! Айни куз эди. Она замин ҳосил билан тўлишган. Талабалар Сирдарё далаларида пахта ҳашарида. Кунлар таассуротларга бой, гаштли ўтади. Биринчи босқич талабалари, айниқса, шаштли. Нуфузли ўқув юртига қабул қилинганлариданми ёки катта курслар олдида "Биз ҳам бормиз!" дегандек гўдаишми, қадамлар шаштли, оқшомги шеърхонликлар авжида. Аммо пахта териш дегани асло фароғат эмас. Унда ҳам куриномас мусобақа бор: ихтиёрий равишда биров бировдан ортда қолишни хоҳламайди.



АЪЗАМЖОН

Фурсат топилганда эса адабиёт ҳақида суҳбатлар, мушоира, янги машқларнинг муҳокамаси. Бу дамларнинг лаззатини топиб бўладими? Дала шийпонида икки қаватли нарада Аъзамжон билан ёнма-ён жой олганми, оға-ини сингари «Бир ёстиққа бош қўйиб...» дегандек, пахтазорнинг эзувчи заҳматидан кейин донг қотиб ухлаймиш. Суякларда ҳарорат совимай, кундузги меҳнатнинг чарчоғи чиқмай, тонг отади. Ғира-ширада магнитофондан «Наргиз, Наргиз, қалбим ардоғи...» деб бошланувчи қўшиқ янгради ва ҳамама совуқ сув сепилгандек сакраб ўрнидан туради. Бошланади...

Аъзамжон билан иноқлашиб кетганимизга анча бўлган эди. Факультетга илк қадам қўйилган сурури лаҳзаларда ҳали бир-бирини яхши билмайдиган гуруҳдошларнинг танишиши жуда ҳаяжонли кечади. Ҳар хил: буй-баста дароз йигитлар, ҳарбий хизматни тугатган аскарлар, шу йил мактабни битирган, сочига полук тақилган қизчалар йиғилганди гуруҳда. Баногоҳ у билан нигоҳларимиз тўқнашди ва ўша лаҳзадан яқинлашиб кетдик, чамаси. Дарс бошланганда ёнма-ён жойлашдик. Аъзамжон ўзи ҳақида гапирмас, шунинг учун бир оз кечикиб ўқишга қабул қилинган сабабини

билмайман. Унинг ташқи кўринишиёқ кишини бепарво қолдирмасди: тийнатида бир улғуворлик яширинган, фақат у буюклик лаҳзаларини кутиб яшаётгандек эди (чунки журналистика факультети «буюклар устахонаси» эди-да). Жуда камсуқум, камтарлиги бу сирлиликни яна оширар, курсдошлар унга чуқур сямимият, ботиний меҳр билан муомала қилишарди.

«Пахтага алоҳида тайёр-гарлик кўрганмиз. Кирза этик, пахталик бушлатлар сотиб олинган. Лекин ўша йил ҳосил яхши бўлиб, бир ойга қолмай қайтдик. Таассуротлар эса йилга татиди. Рост, факультетда иқтидорли йигит-қизлар йиғилганди (анъана шундай!). Гарчи толиқиб даладан қайтилса-да, тунда гулхан ёқиб, шеърхонлик қилишга ҳамма тайёр эди. Туғилган кунлар ҳам шу давраларда нишонланарди. Аъзамжоннинг туғилган куни эди чоғи, кўтарма ариқдан бир дароз йигит сакраб ўтиб, даврамизга қўшилди. «Оғайним Чори», деди Аъзамжон. У филфакдан экан. Меҳмон «Сирдарёнинг сулув қизи Гулнора» деган шеър ўқигани эсимизда қолган. Бу кейинчалик гўзал шоир бўлиб танилган Чори Аваз эди.

Эгатлар оралаб тентирашлардан толиққанда бир зумтин олинади ва бошланади... Бир гал машқларимдан

ўқидим: «...совчиларнинг келиб-кетувчи йўли уни бошқа уйга олиб кетади». «Такрорланг», деди Аъзамжон. «Совчиларнинг...» «Ҳа, мен «сочларининг...» деб эшитибман. Гўзал ташбеҳ бўлган экан». Туғилган кунда эса «пахта-корона» зиёфат ҳозирладик, енг ичида яйрадик. Шунда деди: «Кўзларингиз биринчи марта кунди».

Пахтадан қайтилгач, бир-бирини анча яхши таниб олган курсдошларнинг истеъдоди синови бошланди гўё. Шунда кимнинг кимлиги яна ҳам очиқ билинди. Сергей Есениннинг туғилган кунига гуруҳ адабий кеча тайёрлади. Газета чиқарганимиз эсимда. Албатта, мушоира, мунозара. Уларда Аъзамжон жуда фаол бўлди. Нафис шеърятга севгисини сир тутиб ўлтирмади. Ҳали у пайтада ҳаммаси номаълум эди. Ҳамма умид билан тақдир эҳсонини кутарди. Бир кун Аъзамжон «Қисса ёздим» деб, бир даста қоғозни олиб келди. Унинг хати жуда чиройли, майиздек терилган сатрларни кўриб, «Хали иккинчи «Жамил» ёзилган бўлса-я» деб ҳам ҳавас, ҳам ҳасад қилдик. У табелчи ҳақида экан. Менимча, бу асар унинг ғаладониде қолиб кетди. Ижод табияти шундай.

Ўзингга яқин олган одамнинг ҳар бир ҳаракати, қилиғи ёдинда муҳрланиб қолар экан. Аъзамжон билан бўлган бир майда гап ҳеч хотирадан кўтарилмади. Мен гуруҳ сардори, имтиҳон кетаяпти. Коридорда ҳамма навбатда турибди, бир стул ўтиб-қайтишга халақит берапти. Мен Аъзамжонга «Стулни четга олиб қўйинг», дедим. Билмадим, навбатини кутиб тажанг бўлиб турган эканми, кутилмаганда «Олиб қўймайман. Нега менга иш буюрасиз?» деб ўдағайлаб қолди. Анча вақтгача унута олмай юрдим. Узимга яқин олиб қолган эканман-да.

Таҳсил йиллари мароқли, сермазмун ўтди. Аъзамжон адабий жараёнга фаол араллашиб кетди. Айниқса, «Совет Ўзбекистони санъати» журнали, ёзувчи Нурали Қобул билан ижодий ҳамкорлиги муттасил, самарали бўлди. У Анвар Обиджон, Мирозиз Аъзам, Озод Шарофидинов, Қодир Дехқонов сингари турли даражадаги ижодкорлар даврасида бўлиб туришини мамнуният билан таъкидлар, бу ҳол бизнинг ҳавасимизни келтирарди.

Умуман, Аъзамжон катта сафарга, юқори даражаларга шайланган карвондек, тўлишиб борарди. Унинг 1990 йилда нашр этилган биринчи тўплами – «Куз-да кулган чечаклар» ўзбек шеърятини янги овоз пайдо бўлганини тасдиқлаганди. Тўпламдаги шеърларда катта поэзияга хос барча унсурлар мавжуд. Жанрлар (айниқса, ғазалдаги изла-нишлар муваффақиятли), мавзулар ранг-баранг. Ҳар бир сўз дид билан танланган. Сатрларда майин сямимият, қисиниб-қимтиниб турган, бироқ ботинида уммон гувлаётган йигитнинг қалб тугёнлари йуғириб турибди: «Эртасанг ўғлингга ухлатмаслик учун айт», «Номимиз юракларга қон сачратиб ўяйлик», «Мен фақат сўрайман чироғинг, эркам, тун ўтиб, кундузи ёқмаслигинг», «Водий гулин тақай минорларингга, юрак расмин чизай дудоқинангга...» «Машқ майдониде...» туркумида биз учун азоб бўлган «военка» деган дарсининг иссиқ-совуғини

шундай ифодалаганки, ўша нохуш дамлардан нафосат топа олган қалбнинг шоирлигига тасанно айтасиз. «Онам фотиҳаси» шеъри эса ба-дий-эстетик жиҳатдан ёш шоирнинг низоминомаси бўлса, маҳорат жиҳатидан гўзал шеърят намунасидир. «Бу ёруғ юз-дан...» деб бошланувчи шеър эса халқи, миллатини пурвиқор қиришни хоҳлаган ватанлар-вар шоирнинг дил изҳоридир. Ушоққина тўпланда жиддий тафаккурга озуқа берадиган асарлар талай.

Умуман, Аъзам Ўктам тим-

омин», «Мен умид қилганлар беҳад ёш ҳали, Бирма-бир ўляпти мени суйганлар», «Бир дард ўртаб юборди дилни, ёзарканман титради кўлим. Ўз аслига қайтарса элни, ўлим бўлсин ҳар кун, ўлим», «Видолашгим келар шу тилда» сингари сатрларга дуч келамиз. Албатта, навқирон йигитнинг бундай тушкун кайфияти кишини ҳайрон қолдиради. Бу ҳолга олиб келган сабаблар борми ёки шоирларга хос одатдаги «эркалик»миди? Одатда, «Еш кетаман, қари ўламан,

Табиий, қалбларнинг шифо-си бўлган ухравий илм унга қаттиқ берилганларни чирмаб олади. У мунаввар бир дунёга муҳиб бўлди.

Айни камолга тўлган ёши-да Аъзамжон шеърларида кўп эсланган охира-т кунига етишди. Албатта, бу аламли кўргулик эди. Ортда қолганлари аччиқ айрилиқдан жизганак бўлишди. Айниқса, дадажонини жондан яхши кўрган эркатой қизалоқнинг алами кечмас ва унутилмас бўлди. Унинг бу кўргуликка кўникиши қийин кечди... Фа-лак чархи эса маромида айла-нар, унинг гуссалар, ситамлар юкидан ёғирлаган сасида ҳаёт кўшиғи бор эди. Кун бо-тиб, тонг отар, вужудда айла-наётган илиқнафас ҳаракатга, яшашга чорларди. Шу зайл кўз ёшлар томган тупроқдан чечаклар унди. Албатта, ҳар бир инсон учун ортида но-мини кўтариб юрадиган зур-риёд қолдиришдан ортиқ бахт топилмайди. Ҳамма меҳмон дунёда эса тирик-ликнинг боқий қонунларига бўйсунмасликнинг чораси йўқ. Тумор (Тумарис) бугун баркамол инсон мақомига эришди. Энди Она! Ҳаёт маз-мунини теран англайди. Из-тироблар ўрнини таскин ва ифтихор эғаллаган. У бугун чинакам халқига, Ватанига эзгулик соғинган, шу йўлда фидойи хизмат қилишга азм этган ижодкор инсоннинг фарзанди эканлигидан тўла ҳуқуқ билан фахрланади.

Хотиралар дилга юнчанч, ҳаёт эса яшашни талаб этади. Зеро, тирикликнинг шарти ҳам, ҳикмати ҳам шунда. Унинг бардавомлиги эса зинг кўмилмаса, сени кимдир эс-ласа. 60 йилликни мухлислар билар экан, чиқишлар бўлди, Аъзам Ўктамнинг шеърлари, унга бағишланган фахрия-лар эълон қилинди. Умидли шоирлардан бири гапини «Энди навбат Аъзам Ўктамга» деб тугатибди. Демак, шоир-сафларда. Унинг ижоди ада-биёт гулшанида буй кўрсатиб турибди. Фақат истак шуки, Аъзамжоннинг тонг шабна-мидек тароватли битиклари жамланиб, «Куллий» эълон қилинса, шахси ва ижоди юзасидан тасаввурлар, таас-суротлар яхлитлашган, му-каммал ҳолга келган бўларди.

Ҳақим САТТОРИЙ

ОЛИМЛАР КОРОНАВИРУСНИ ИККИ ДАҚИҚА ИЧИДА ЙЎҚ ҚИЛИШ УСУЛИНИ ТОПИШДИ

Тадқиқотни Нью-Жерсидаги Рутгерс тиббиёт мактаби илмий-тадқиқот институти ва минтақавий биологик хавфсизлик лабораториялари билан ҳамкорликда Colgate компанияси ўтказган. Куп.узнинг маълум қилишича, таркибида рух ёки қалай бўлган тиш пасталари коронавируси икки дақиқа ичида 99,9 фоизга йўқ қилиши мумкин. Бу ҳақда Британия стоматология ассоциациясининг British Dental Journal нашрида чоп этилган тадқиқот натижаларида маълум қилинди. Шунингдек, таркибида цетилпиридиний хлориди бўлган оғиз чайиш воситалари ҳам оғиздаги коронавируси йўқотган. Бу унсурни тиш пасталари ва томоққа сепиладиган спрейлар таркибида ҳам учратиш мумкин. Оғиздаги коронавируси бутунлай йўқотиш учун цетилпиридиний хлориди оғиз чайиш воситасига 30 сония керак бўлди, дейилади мақолада. Тадқиқотни Нью-Жерсидаги Рутгерс тиббиёт мактаби илмий-тадқиқот институти ва минтақавий биологик хавфсизлик лабораториялари билан ҳамкорликда Colgate компанияси ўтказган. «Цетилпиридиний хлориди хусусиятларидан коронавируси даволашда эмас, балки унинг профилактикасида фойдаланиш керак», – деди Гамалея номидаги марказнинг бош илмий ходими Анатолий Альштейн. Унинг сўзларига кўра, цетилпиридиний хлориди SARS-CoV-2 вирусининг липид қобиғини емиради ва унинг йўқ қилинишига олиб келади. Шунинг учун коронавируси юқтирган бемор таркибида ушбу унсур бўлган восита билан оғзини тез-тез чайиб туриши лозим.

“ Ҳаммаси йиғилиб юракка юк бўлди ва айни камолга тўлган ёшида Аъзамжон шеърларида кўп эсланган охира-т кунига етишди. Албатта, бу аламли кўргулик эди. Ортда қолганлари аччиқ айрилиқдан жизганак бўлишди.

солида теран илдишларга эга шеърятимиз янги бир истеъдодга доя бўлишга ҳозирланаётгани. Буни, бо-тиниде кучли қудрат пинҳон эканини ўзи ҳам сезмас-ди, чамаси, билмак, жуда хоҳисор, тортинчоқ эди, бошқаларга халақит бериш-дан чўчигандек, ўзини тийиб юрарди (балки кўркув сал-танатининг оддий манза-расидир). Афсуски, унинг чинакам камоли бу майдонда буй кўрсата олмади. Бу бир синоатки, ҳар қадамда пой-афзал артадиган латтадек оёғингга илашаверадиган, ҳар бир тирқишдан тумшугини кўрсатиб турадиган, асли-да айтадиган гапи ҳам йўқ, шахсияти хира кимсалар яйраб-яшнаб юганда мил-латнинг бир умиди бўлган шоирнинг қарами кенг дунё-га сиғмаганлиги тириклик-нинг ҳам «феъли торлигига ўхшайди.

Бир истисно ҳолат бор. Аъзам Ўктам биринчи тўп-ламидаёқ «Қайта туғилмас-ман, ўлмай деб минг бор – биргина бошимга олдим ми-натдор. Битта истараси иссиқ ўлимни...», деб ёзди. «Та-раддуд» тўплами (1993)даги шеърларида эса «Ҳеч кимни севмасман, ўлган ҳайратим, Худо раҳмат қилсин, ёшлигим,

деб кўрқитади» дейишади. Халқнинг эрка фарзандлари – шоирлар жиндай кайфияти бузилса, «қўрқитаверади». Баъзан айрилган сўз отилган ўқдек таъсир қилади. Бир йи-рик мунаққид (Виссарийон Бе-ленский) тушкун кайфиятдаги шеърларни ўқиб, шоирларга «Нега ўзингизга ўлимни чор-ляясиз?» деб қаттиқ танбеҳ берган экан. Халқимизда «Фаришталар «Омин» дейди» деган ибора бор, балки яхши гапга, балки...

Аъзамжон «Чўлпон» нашриётида ишлаб турган-ида Қуръони карим олдин «Шарқ юлдузи» журнали-да босилди, кейин алоҳида китоб ҳолида 1992 йилда чоп этилди. 500000 нуссада босилган Алоуддин Мансур таржимаси ва шарҳидан ибор-т ушбу дурдонада нашриёт муҳаррири сифатида Аъзам Ўктамнинг номи дарж этилган-ки, бу шарафли рутбадир. У мазкур улғувор юмушга фаол иштирок этди ва шу аснода диндорлар билан яқинлашди. Фитратиде ҳалоллик, поклик сингилган, аммо теварагидаги ҳаётда мунофиқлик ва алдо-ларга кўплаб гувоҳ бўлган ижодкор ҳаёт ҳикмати-ни диний ақидаларда, деб бил-ди, чамаси, бу таълимотни ўрганишга чуқур киришди.

ЎЗБЕКИСТОН ЭНДИ ДИНИЙ ЭРКИНЛИК БҲИЙЧА МАХСУС КУЗАТУВДА ЭМАС

Келгуси сонларда

(Бошланиши 1-бетда)



УШАР АСОЛДА ДЖИМ ЭДИ?

Ушбу маккорона сиёсат ҳақида М.Бехбудий шундай ёзган эди: «Миссионерлар тарафидан ва ёйинки бизни йўқ ва нобуд бўлишимизни ва шарияти муқаддасамизни ҳукмдан қолишини хоҳлатадургон эски ва мустабид ҳукумат одамлари тарафидан шундай законлар чиқарди» [Бехбудий М. Бизга ислохот керак// Наҳот, -1917 йил 17 апрел].

Шунингдек, мустамаккачи ҳокимият халқ ва ўлкани маърифатлантириш ва тараққий эттириш учун ҳаракат қилган ҳар бир кишини «панисломизм» ва «пантуркизм» ёрлиги билан айблади.

Империя ҳарбий маъмурияти арзимаган нарсани баҳона қилиб, миллий зиёлиларни, хусусан, сиёсий қарашга эга бўлган кишиларни ўлкадан сургун қилиш билан шугулланди. Матбуот эса истеъмолда йўқ «жадид ва қадим» иборасини истеъмолга киритиб, Мунаввар қори Абдурашидхонев сўзи билан айтганда: «кекса тараққийларварлар билан ёш тараққийпарварлар ўртасига ниҳоқ солди».

Айнан мазкур даврда россиялик тадқиқотчилар империя мусулмонлари ҳаракатларини асосий уч гуруҳга таснифлай бошлади. Буларнинг биринчиси мусулмончиликка ёт бўлган барча маданиятларни инкор этувчи, уларни қабул қилишдан бош тортувчи мутаассиб-консерватив мусулмонлар, иккинчиси, Фарб ва Шарқдаги замонавий номусулмон бўлган давлатларга қарши чиқа оладиган янги мусулмон давлатининг ташкил этилиши масаласига кўп даражада бепарво бўлган тараққийпарвар панисломчилар бўлса, учинчи гуруҳга империя ҳудудида аҳолининг аксарият қисмини ташкил этадиган маҳаллий халқлар томонидан ўзини-ўзи бошқарадиган мухториятларнинг ташкил этилишига интильган, мусулмонларнинг маданий ва сиёсий тараққийлари йўлида фаолият олиб борган тараққийпарвар зиёлиларни киритганлар [Б.И.Елчиев. О некоторых течениях среди мусульман. Очерк. Продолжение // Свободный Туркестан. 1918 г.]

Фикримизча, шу тариқа, Россия империяси маъмуриятларининг Туркистон ўлкаси мусулмонлари бирдамлигини йўқ қилишга йўналиш берган сиёсати натижасида Туркистоннинг зиёли уламолари орасида «жадидчилик» ва «қадимчилик» сингари икки ғоявий оқим юзга келди. Бу ўлкада кучли ижтимоий-сиёсий жараёнлар авж олган палла – XIX аср охири XX аср бошларида содир бўлди. Кейинчалик ҳам тарихий адабиётларда «қадимчилар» калимаси муҳрланиб қолди.

Яқин тарихда жадидчилик ҳаракатининг у ёки бу жиҳатлари ижобий томондан ёритилган бўлса-да, «қадимчилар» фақатгина ўта салбий тарафлама қайд этилган, холос. «Қадимчилар» октябрь инқилобидан олдинги, қолаверса совет даври тарихшунослигида «реакционерлар» ва «барча янгиликларга қарши чиқувчилар» сифатида ёритилиб келинган. Ёки бўлмаса «жадидчилар» ҳам «қадимчилар» ҳам бир қаторда «панисломчилар», «пантуркичилар» деб номланди. Нима бўлганда ҳам «қадимчилар» мавзусини ўрганиш фойдали деб қаралиши бир ёқда турсин, хавфли ҳам ҳисобланган.

Шунинг учун бўлса керак, «қадимчилар» тарихини ўрганиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар деярли йўқ. Республикаимиз тарихшунослигида, қолаверса, хорижда ҳам бу ҳодисани тулақонли ёритувчи илмий ишни учратиш қийин.

«Қадимчилар»ни кўпроқ «анъаначилар» дейиш тўғрисида бўлади деб ҳисоблайман. Улар ўлканинг таниқли уламолари, муфтий, мударрис ва қозилари бўлишган. Улар мусулмон жамоасининг асрлар давомидаги ривожига жараённи шаклландирган анъанавий диний, маънавий ва миллий қадриятларни, ижтимоий институтларни асл ҳолатида сақлашга ҳаракат қилганлар.

Ўтмишдаги алломаларнинг инкор қилиниши жамиятнинг маънавий таназзулига олиб келиши мумкин бўлган бой меросини, анъаналарини муҳофаза қилиш «анъаначилар»нинг муҳим меъёрларидан бири ҳисобланган.

«Анъаначилар» вакиллари яқка шахслар онгига эмас, балки бир неча авлодлар таърибаси билан сугорилган жамоатчилик онгига мурожаат қилганлар.

Улар жадидлар билан муносабатларидаги асосий мунозарали масалаларда кўйилаётган муаммага Қўрғон ва ҳадисдан келиб чиққан ҳолда ёндашар эдилар. Тўғри, жадидлар ҳам ўз қарашларини шаръий нуқтаи назардан ҳимоя қилишга ҳаракат қилганлар. Агар ўша давр матбуотида назар солинса, бу икки гуруҳ ўртасидаги баҳслар 1917 йил феврал инқилобига асосан ахлоқий-маънавий, фақат қисмангина сиёсий мавзулар атрофида айланганини кўриш мумкин бўлади. Айниқса, дунёвий илм-фан ва Европа маданиятининг ўлка мусулмонлари орасида тарқалиши масаласига ҳар иккала тоифа томонидан алоҳида ургу берилган.

Уламоларнинг бу ҳаракатлари, албатта европачиларни хавотирга солган. Улар Туркистондаги европача тараққийт жараёнига ҳавф туғдиради, чунки уларнинг бош орузи қонунлар асосида бошқариладиган бутунжаҳон ислом империясини тузишдан иборатдир. Бу эса европачилар манфатига умуман мос келмайди, деб таъкидлайди [Б.И.Елчиев. О некоторых течениях среди мусульман. Очерк. Продолжение // Свободный Туркестан. 1918 г.]

Анъаначилар шариат меъёрларини халқ турмуш тарзида қатъий равишда сақлаб қолишни Россия империяси маъмуриятининг шовинистик сиёсати, православ миссионерлик ҳаракати ва баҳойчиликка ўхшаш бошқа оқимларнинг тарқалишига қарши муҳим тўсиқ деб билардилар. Масалан уламолардан Мулла Шоҳислом «ҳар мўмин муслимининг керак диний тараққийси бўлсин, керакдунёвий таълими бўлсин, шаръан илм ва амалсиз мумтанъул вуқуъи (мислсиз қоқилиши) бир ҳақиқатдир», деб эътироф этади.

«Ҳар қандай катта кичик ишларда шариатга мурожаат қилинаверса, дунёвий тараққийтда ривожланиш бўлмайди, деб ўйлаш керак эмас. Тарихга назар солиб қаралса, ўлкада турли соҳаларда юксалиш бўлган замонларда ислом қонунларига мурожаат қилганимизда тараққийтга монелик

қилганимиз? Ўша замонларда мусулмонлар қайси бошқа миллатлардан ортда қолган эди», деб ёзади уламолардан Мулла Алижон «Ал-Изоҳ» журналидаги ўзининг «Аҳли ислом тараққийтлари борасида» номли мақоласида. Муаллиф мақоласига «Ислом ҳеч бир тараққийтга монё бўлмайди, балки ўзимизнинг ҳар хил бемаъно, шаръатга хилоф бўладиган ҳаракатларимиз монё бўлади», деб ҳулоса асаяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, шариатни, миллий-анъанавий қадриятларни сақловчи восита деб билиш ҳақидаги фикр фақатгина «анъаначилар» орасида мавжуд бўлган ғоя бўлмайди, балки бундай фикр-ғояларни баъзи жадид номояндлар қарашларида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, айни пайтда айрим жадидлар ҳам ўз фаолиятларини шариатдан четга чиққан ҳолда тасаввур этган эмаслар.

Бизга маълумки, маиший турмушни, миллий урф-

воситаси бирла Андижон, Намангандаги билиш, танишларимиз билан сўзлашамиз, бул ҳам усули жадид. Қани бунинг ёмонлиги? Яъни, усули жадид инсоннинг умрини бўлур-бўлмагса зотё қилмаслик учун чиқарилгон усулдур...» деган қарашларни ифода этади.

Тўғри, Туркистон жадидлари ва анъаначилари муносабатига назар солсак, айрим муаммоларда бу икки гуруҳ ўртасида қарама-қаршиликлар бўлганлигини кўрамыз. Бир жамият ёки бир ташкилот аъзолари ичида ҳам дунёқарар ва ижтимоий-сиёсий савиянинг турли даражада бўлганлигини инобатга олсак, анъаначилар орасида ҳам айни бир масалага турлича ёндашилганлигининг гувоҳи бўламыз. Чунонки, айрим анъаначилар усули жадидни маъқул кўрсалар ҳам, уни ушбу ном билан аталмаслигини талаб қилганлар: «... баъзи диёримиз уламолари усули жадид тартиблари ижро қилинсон, аммо «усули жадид» унвони ила аталмасун, дебдурлар...». Албатта, ушбу тоифа

кўриш билан баробар миллатлар ҳамда мусулмонларнинг ахлоқий асосларини муҳофаза қилишни кўзда тутиб «Уламо жамияти»ни таъсис этдилар.

Жамиятнинг ташкил этилиши ва унинг мақсад ҳамда ғоявий йўналишига оид кенгроқ маълумотларни беришдан олдин бир неча масалага ойдинлик киритиш лозим.

Биринчидан, ўша даврдаги «уламо» тушунчасига изоҳ бериб ўтиш жоиз. XX аср бошларида «уламо» тушунчаси ижтимоий маъно касб этарди. «Уламо» дейилганда, асосан, мадрасаларни тамомлаган, диний ва дунёвий илмга эга бўлган зиёли кишилар тушунилан. Бироқ сиёсий мақсадлар сари интилишлар ҳам кучайиб борган, жадидлар билан айрим масалаларда муҳолифатда бўлган ўлка зиёлилари «уламолар» деб атала бошланди. Бу даврга келиб уламо тушунчаси сиёсий маънода қўлланиладиган бўлди.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг XX аср бошидаги тарихига бағишланган деярли барча тадқиқотларда жамият номи «Шўрои уламо» тарзида нотўғри бериб келинган. Ҳаттоки, 2000 йилда нашр этилган «Ўзбекистон янги тарихи» китобининг 2-жилдида ҳам жамият номи шу тарзда берилган.

Маълумки, 1917 йилда «Бор ҳукумат шўроларга!» шiori оммавий бўлган. «Шўрои исломия» ташкилотчилари ҳам ўзларини ўлканинг мусулмон аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилот эканликларини кўрсатиш мақсадида ташкилот номига «Шўро» сўзини қўшишдан бўлиши мумкин. Бу сўз оммабўлганлиги учун кейинчалик совет тарихшунослари томонидан «Уламо жамияти» номига ҳам қўшиб юборилган бўлиши эҳтимоли бор.

Бироқ, тадқиқотлар натижасида ҳеч қандай расмий ҳужжатда унинг номида «Шўро» сўзи учрамайди. Жамиятнинг думалоқ муҳрида ҳам «Уламо жамияти» (араб илмосида) ва «Организация Улема» (рус тилида) деб қайд этилган.

Учинчидан, «Уламо» жамияти, ташкилотми ёки партиями, деган масалада ҳам тарихчилар томонидан турли фикрлар билдирилган. «Уламо жамияти» ўз Низоми ва юмалоқ муҳри бўлган жамият бўлган. У шаҳар бошқармасидан белгилаган тартибда рўйхатдан ўтган ва юридик мақомга эга бўлганлар.

Янги ташкил этилган «Уламо жамияти» мусулмон фуқаролар орасида диний заминда юзга келиши мумкин бўлган ҳар хил шикоят ва англашмовчиликларни ҳал этиш ва тушунтириш каби вазифаларни ўз фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олди. Мазкур вазифалар жамият низомида ҳам ўз аксини топди.

Жамиятнинг Дастур ва Низоми июнь ойи бошларида Тошкентдаги Беклар Беги мадрасасида бўлиб ўтган 25 000 кишилик митингга тасдиқланди. Унинг молиявий таъминоти асосан маҳаллий бойлар томонидан берилган хайрия маблағлари ҳисобидан бўлган.

Жамиятнинг фаол аъзоларидан, ўз даврида диний ҳамда дунёвий илмлардан хабардор бўлган мулла Абдулмаликхожи Абдуннабий ўғли, мулла Маҳдихон Сайид Бокийхон ўғли, Саид Ахрорхон

маҳдум, мулла Тошпўлат қори Турсунбой ўғли, Шерали Лапин, мулла Сайидрасул Сайидазиз ўғли, Азизхожи Илҳомжон ўғли, мулла Саидмаҳмудхон Муҳиддинхон ўғли, Аҳмадхўжа Мўминхўжаев, Садриддинхон муфтий Муҳаммад Шарифхўжа қози ўғли сингари шахслар эдилар. Аъзоларнинг 86 кишилик рўйхати «Турон» газетасининг 1917 йил 20 июль (20 шаввол 1335 ҳижрий) сониде эълон қилинган. Жамиятнинг айрим таниқли аъзолари, жумладан, мулла Исхон аълам, Саид Ахрор маҳдум, Садриддинхон муфтий Муҳаммад Шарифхўжа қози ўғли сингари ушбу рўйхатда қайд этилмаган. Бу ҳол рўйхатдан тўлиқ эмаслигини даволат беради. Жамият раиси Абдулмаликхожи Абдуннабий ўғли бўлган.

Тез орада Туркистоннинг кўплаб шаҳарларида, хусусан, Фарғона водийсида ҳам «Уламо жамияти»нинг шўбалари тузила бошланди. 1917 йил 28 августда Қўқон шаҳрининг «Жомеъ» мадрасасида бўлиб ўтган йиғилишда «Уламо жамияти»нинг Қўқон шўбасига асос солинди. 4 сентябрда «Арис» станциясида «Уламо жамияти» ташкил қилиниб, съезд ўтказилган.

«Уламочилар» 1917 йилнинг дастлабки ойларида диний маърифатчилик доирасида фаолият кўрсатишган. Кейинчалик эса, «Шўрои Исломия» ташкилоти ва «Уламо жамияти» ташкилотлари ўз фаолиятларида демократик эркинликлар ва янги бошқарув услубини татбиқ этишни талаб қила бошлади. Бироқ, «Уламо жамияти»нинг вакиллари фикрига кўра, Туркистон жамиятининг бўлажак ички сиёсий тузилмасида шариат қонунларига қатъий равишда амал қилиниши керак эди.

Айни пайтда, ғоявий қарашлар ортодоксаллигига қарамай, жамият аъзолари ўлка маҳаллий аҳолисининг озодликка интилишларини фаоллаштиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар, мустақил мусулмон давлатини таркиб топтириш зарурати ҳақидаги фикрни жамоатчилик онгига сингирдилар. Уламочилар Туркистон мусулмонларининг диний-этниқ қарашлар жиҳатидан яқдил бўлиш йўлида анчагина ҳаракат қилдилар.

Афсуски, Тошкентдаги «Уламо жамияти»нинг Низоми топишига муваффақ бўлинмади. Бироқ, Қўқонда ташкил этилган «Уламо жамияти»нинг низоми билан танишиб чиқиб, унинг ўз олдига қўйган вазифалари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Ўз мақсад ва дастурларини тарғиб қилиш учун тез орада Тошкентда ҳафтада бир марта чиқадиган диний, илмий, адабий, сиёсий наشري афкори – «Ал-Изоҳ» журналини чиқара бошлади.

Гарчи тарихчилар томонидан ушбу жамиятнинг ташкил этилиши ва унинг фаолияти 1917-1918 йилларда Туркистонда рўй берган сиёсий жараёнларга салбий таъсир кўрсатганлиги эътироф этилса-да, жамият аъзолари ўлка маҳаллий аҳолисининг озодликка интилишларини фаоллаштиришга катта ҳисса қўшдилар ҳамда уламолар аҳоли орасида кенг кўламда диний-маърифий ишларни амалга оширдилар.

«Уламо жамияти» нинг фаолияти Туркистон Халқ Комиссарияти Советининг 1918 йил 13 май ойдаги буйруғига биноан тугатилган.



Кўпчилик одамлар ҳақиқатдан йироқдир, уларнинг талаб ва даъволари ёлгон бўлган (ботил)дир, яъни айтган сўзларини ишлари ўзларига мувофиқдир.

Маҳмуд аз-Замашарий

МАНФААТЛАР



Тўқнашув



Айрим сиёсатшуносларнинг фикрича, кўпчилик Россия ва Европа ўртасидаги муносабатларни беқарорлаштиришга хизмат қилаётган Украина осмонидан яна қора булутлар суза бошлаган кўринади.

Шарҳловчилар мамлакат шарқида руспараст кучлар, ғарбда эса венгерлар айирмачилиги бўй кўрсатаётганини мисол сифатида келтирмақдалар.

Шу ўринда, Украинада авж олаётган навбатдаги сиёсий инқироз Владимир Зеленский президентлиги давридаги энг оғриқли ҳолат эканини таъкидлаш жоиз. Маълумки, яқинда бўлиб ўтган маҳаллий сайловларда Президентнинг «Халқ хизматкори» партияси тарафдорлари имкониятини бой бердилар. Ушбу омадсизлик ётмаганидек, Конституциявий суд қутилмаганда антикоррупциявий қонунчиликдаги бир қатор қоидаларни бекор қилди. Бу эса расмий Киев учун Европа Иттифоқи билан визасиз режимни йўқотиш ва

Халқро валюта жамғармаси қўлловининг қисқариши кутилаётганидан долатладир. Натижада Президент Зеленский Конституциявий суд билан жанжаллашишга борди, муҳолифат эса уни сал бўлмаса давлат тўнтарышига уринганликда айбала бошлади.

Сир эмаски, Украинадаги ҳозир ва аввалги тангликларнинг асосий сабаби бу – сиёсий элитанинг турли гуруҳлари ўртасидаги ўзаро курашлардир. Гап Зеленскийнинг бугунги ҳаловатсиз кунлари ҳақида кетганда, Конституциявий суднинг амалдаги таркиби тўласинча аввалги президентлари пайтида тайинланганини унутмаслик керак. Украина Судларида кадрлар алмашинуви жараёни ўта мураккаб бўлиб, улар президент, парламент

ва судьялар бутунукраин курултойи қарори билан тўққиз йилга тайинландилар. Масалан, КСнинг амалдаги раҳбари Александр Тупицкий таркибга Виктор Янукович даврида кириб қолган. Бошқа номзодларни эса Пётр Порошенко илгари сурган. Шунинг учун ҳам КС ҳокимиятдан четлатилган Украина элитаси учун Президентга таъсир этувчи асосий восита бўлиб қолмоқда. Тўғри, дастлабки пайтларда Зеленский ва КС ўртасида бундай танг муносабатлар йўқ эди. Буни 2019 йилнинг май ойида президент томонидан Олий Рада тарқатилиши

олмайди. Биринчидан, бу унинг сайловолди ваъдаларига зид бўлади. Шунингдек, ушбу нозик масала унга Пётр Порошенконинг коррупциявий режими устидан ғалаба қозониш имконини берганини ҳам унутмаслик керак. Иккинчидан, тўлақонли аксилкоррупциявий қонунчиликни яратиш Европа Иттифоқи билан визасиз режимнинг жорий этилишида бош омил бўлган. Қолаверса, Украина иқтисодиёти жон сақлаб туриш учун ХВЖДдан молиявий ёрдам олишда ҳам ушбу омил «аванс» вазифасини бажарган. Сир эмаски, жорий йилнинг июнь

Зеленский қутилмаганда, КСнинг бутун аъзоларини истеъфога чиқариш ниятида парламентга янги қонун лойиҳасини олиб чиқди. Бироқ кўп ўтмай шотландияда тайёрланган қонун лойиҳаси Украина Конституциясига зид экани маълум бўлиб қолди.

ва муддатидан илгари парламент сайловлари ўтказилиши тан олинганда КС раҳбариятининг президентни қўллаб-қувватлаганида ҳам кўриш мумкин. Аммо ана шу «ҳамкорлик»дан кейин дўстлик «биноси» батамом қулади. Яъни, шундан кейин Зеленский таклиф этган қонунларга судьялар салбий муносабат билдира бошладилар. Айниқса, коррупцияга қарши жавобгарликлар кучайтирилган қонунларга нисбатан КС қатъий позицияни эгаллаб олди. Судьяларнинг янги ҳокимиятга қарши боришларининг сабаблари кўп, албатта. Масалан, КС раиси Тупицкийнинг Қримда декларация қилинмаган ери борлиги маълум бўлиб қолди. Зеленский эса коррупция ва суиистеъмолчилик масаласида либераллик қила

ойида ХВЖ Украинага коррупцияга қарши курашни давом эттириш ва ер сотишга қўйилган мораторийни бекор қилиш шарти билан 3 йилга 5 миллиард доллар миқдорда кредит ажратилишини маъқуллаган эди. Бундан ташқари, улар Киевга Коломойскийга «Приватбанк»ни қайтаришга йўл қўймаслик шартини ҳам қўйишган. Киев эса ушбу талабларни сўзсиз бажарди.

Энди эса Украина икки ўт орасида қолди. Биринчиси – бу ўта ҳаётий бўлган иккита муҳим қонунни қабул қилиш ёки аксинча улардан воз кечишдир. Бу эса иқтисодиётнинг барбод бўлишига ва мамлакатда дефолт таҳдидининг юзага келишига олиб келади.

Масалага чуқурроқ назар ташланса, Зеленский

ва КС ўртасидаги зиддият 27 октябрь кунини энг юқори нуқтага чиққани кўринади. Уша кунини инстанция 2015-2016 йилларда Порошенко даврида қабул қилинган аксилкоррупциявий қонунчиликнинг бир нечта муҳим моддаларини конституцияга номувофиқ деб топган эди. Бу қарор билан амалдорларнинг, шу жумладан, КС судьяларининг электрон мулк декларациялари очиқлиги йўл ёпилди, мол-мулк нотўғри декларация қилинган учун жиноий жазо, шунингдек, амалдорлар даромади ва турмуш тарзи мониторинги бўйича Миллий комиссиянинг ваколатлари бекор қилинди. Бу ҳукм Евроиттифоқ ва ХВЖнинг барча талабларига зид бўлиб, ўз навбатида молиявий кўмакнинг камайиши ҳамда мамлакатни дефолт оstonасига етаклар эди. Шунинг учун ҳам Зеленскийнинг муносабати кескин бўлди. У эски элитани Украинада «аксиклиқлоб» уюштиришга уринганликда айблади. Давлат раҳбарининг фикрича, «россияликларнинг малайлари ва олигархлар коалицияси» аксилкоррупциявий қонунчиликдан ўзлари учун таҳдид сезганлар. Президент ушбу фитна етакчилари орасида олигарх Игор Коломойский ва россияпараст дея аталадиган «Муҳолифат платформаси – Ҳаёт учун» партияси етакчиси, Россия президенти билан дўстона муносабатларга эгаллиги айтиладиган Виктор Медведчук номини тилга олди. Айрим манбаларда қайд этилишича, бундай баёнотлар учун Зеленскийда тўла асослар бор. Чунки Конституциявий суднинг юқоридаги қарори айнан «Муҳолифат платформаси» ва Коломойский томонидан молиялаштирилган «Келажак учун» партияси депутатларининг даъвои асосида қабул қилинган. Даъво муаллифлари ўз ҳаракатларини Украинага ташқаридан таъсир этувчи воситалардан халос қилиш зарурати билан изоҳлашган.

Шу ўринда яқинда бўлиб ўтган маҳаллий сайловларда президентнинг «Халқ хизматкори» партияси ниҳоятда суст қатнашганини таъкид-

лаш жоиз. Зеленский ва КС ўртасидаги можарони авж олдириш орқали эса муҳолифлар навбатдан ташқари парламент сайловларини ўтказишга эришмоқчилар. Бу сафар «хизматкорлар»нинг Радада яна кўпчилик ўринини эгаллаши имконсиз бўлиб борапти. Агар ушбу сценарий амалга ошса, Зеленский тарафдорларининг бошқа сиёсий кучлар билан коалицияга киришишига, демалки, ҳисоблашишларига тўғри келади.

Шундай бир пайтда давлат раҳбари ўзини атрофида порахўрлик ботқоғига ботган эски элита орасида қолган ислохотчидек намоён этмоқда. Бундай қиёфа мамлакат аҳолиси учун ҳам, Ғарб кредиторлари олдида ҳам манфаатлироқ, албатта. Аммо шуни ҳам қайд этиш жоизки, Зеленский қутилмаганда, КСнинг бутун аъзоларини истеъфога чиқариш ниятида парламентга янги қонун лойиҳасини олиб чиқди. Бироқ кўп ўтмай шотландияда тайёрланган қонун лойиҳаси Украина Конституциясига зид экани маълум бўлиб қолди. Яъни, КС таркибини ўзгартириш учун судьяларнинг учдан икки қисми розилигини олиш керак экан. Бундан ташқари, КС қарорини юридик кучга эга эмас деб топши учун Президент ваколатлари ҳам йўл бермайди. Айнан шу нарса муҳолифатнинг Украина раҳбарини давлат тўнтарышига уринганликда айблаш учун етарли асос бўлди. Натижада Зеленский боши берк кўчага кириб қолди. Судьялар эса ўз ихтиёрлари билан истеъфога чиқиш ниятида эмаслар. КСни тарқатиб юбориш талаби эса Президент партиясида ҳам қўллаб-қувватланмади. Аммо президент орта чекинмаяпти. Чунки Зеленский чекинса, бу унинг барча муҳолифлари, Ғарб ва украин жамятида Президентнинг кучсиз эканини кўрсатиб қўяди.

Ўз рақибининг заиф эканини хис этган КС эса Зеленский президентлиги даврида ўтказилган ислохотларнинг, масалан, ХВЖДдан ёрдам олишга имкон берган ер бозори тўғрисидаги қонуннинг қай даражада амалга ошириш зарурати пайдо бўлиб, жорий конституциявий тизимга қарамай, президент-парламент рес-публикасини тўлалигича президентлик тизимига ўтказиш вазифаси турибди. Чунки бусиз ислохотларни давом эттиришнинг имконсиз экани кундан-кунга равшан бўлиб борапти. Ўтказилган сўровлар ҳам Зеленский-

нинг КСни тарқатиб юборишга уриниши украинларнинг ярмидан кўпи томонидан қўллаб-қувватланганини ҳам кўрсатяпти.

Албатта, сўнги сўзни айтиш, муҳим қарор қабул қилиш Зеленскийнинг ўзида қолган. Чунки Олий Рада бу масалада Зеленский томонда эмас. Агар тезроқ бир тўхтама келинмаса, инқироз Ғарб билан муносабатларга салбий таъсир кўрсата бошлайди.

Энди Украина минтақаларидаги ҳолатни таҳлил этсак. Хабарларга қараганда, мамлакат ғарбдаги венгерлар амалдаги ҳокимиятдан кескин норозилар. Гап шундаки, Венгрия билан Яқинлаштириш истаётган Закарпатьедаги венгерлар ташкилотидан қутилмаганда Украина хавфсизлик хизмати тинтув ўтказган ва айирмачиликка даъват қилувчи материалларни топган. Венгрия ташқи ишлар вазирлиги Петер Сийярто мазкур муаммони НАТОнинг вазирлик видеоконференцияси доирасида муҳокама этишни таклиф этди. Йенс Столтенберг эса альянс бундай вазиятларга аралашмаслигини эълон қилиб, муаммо ечимини ўзларига қўйиб берди. Воқеалар ривож эса ушбу баҳснинг ЕИ тузилмаларида давом этишидан дарак бермоқда. Чунки Европарламентнинг Венгриядан сайланган депутатлари ушбу ҳолатни украинларнинг венгерларга қарши можароси сифатида баҳоламақдалар. Уларнинг фикрича, минтақа «фуқаролик уруши» оstonасига яқинлашяпти. «Биз бунини шармандали ҳолат деб ҳисоблаймиз ва украин расмийларининг Закарпатьедаги венгер жамоаси лидерлари ва ташкилотларига қарши куч қўллашнинг чуқур қоралаймиз», – дейилади улар тарқатган баёнотда.

Хуллас, Украина НАТОга қўшилиш учун ҳар қанча ҳаракат қилмасин, унинг аъзолиққа қабул қилинишига анча вақт борга ўхшайди. Венгриянинг тил сиёсати ва миллий озчиликлар ҳуқуқлари юзасидан Киевга эътирозидан ташқари, Германия ҳам ҳаракатлар режаси имзоланишига қарши чиқиши мумкин. Чунки Европанинг етакчи давлатлари Россия ва Украина билан НАТО ўртасида буфер зона бўлиб қолишини хошлайдди. АҚШ ҳам Киев НАТОга қабул қилингандан кейин Украина билан биргаликда Қримни қайтариш учун Россия билан урушга кириш орзусида ёниб яшаётгани йўқ.

А.САЙБНАЗАРОВ,
Халқро шарҳловчи

100 МИНГ ДОЛЛАР АЖРАТИЛАДИ



Тошкентда ФАОнинг «Инклюзив қишлоқ хўжалиги сиёсатини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш» техник ҳамкорлик дастурига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбир қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон «Аграр соҳа аёллари» уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари доирасида амалга оширилди.

Учрашув давомида ФАО вакиллари лойиҳанинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўз юритди.

«Инклюзив қишлоқ хўжалиги сиёсатини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш» техник ҳамкорлик дастури Ўзбекистонда 2020-2022 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 100 минг доллар бўлиб, инклюзив қишлоқ хўжалиги сиёсатини амалга ошириш ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш орқали қишлоқ жойларда турмуш шароитини яхшилашдан иборат.

Дастурни амалга ошириш давомида инклюзив қишлоқ хўжалиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун миллий имкониятлар янада мустаҳкамланади.

Қишлоқ хўжалигида гендер фарқни бартараф этиш қишлоқ хўжалиги соҳаси ва умуман, жамятга сезиларли фойда келтиради. Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлашга қаратилган сармоя – аввало қашшоқликка барҳам бериш ва барча

учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим ўзгаришларга йўналтирилган сармоя ҳисобланади», – деди ФАОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси лойиҳа координатори Шерзод Умаров.

Тадбирда Ўзбекистонда гендер тенглик йўналишида қонунчиликни такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳузурида гендер тенглик масалалари бўйича комиссия ҳамда хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича кўмита ташкил этилгани ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши ФАОнинг Ўзбекистондаги Гендер ҳаракатлар режаси орқали назорат қилинади. Гендер масалаларини ҳал этишдаги энг яхши амалиётларини ҳисобга олган ҳолда, «Ўзбекистоннинг тоғли ва водий ҳудудларида ўрмонларни барқарор бошқариш» номли ФАОнинг яна бир лойиҳаси доирасида ҳамкорликда фаолият олиб бориш имкониятлари муҳокама қилинди.

ЎЗА

Одамларга ҳар қанча ишонсанг ҳам
сирларингни ўзингда қолдир!

Нажиб Маҳфуз

ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ БИРПАСИ...

Болаликдаги шеърӣ машқларимнинг бирида, шаббода, тўхта бир пас, деб ёзган эканман. Деворий газета муҳаррири, ўзбек адабий тилида бир пас деган сўз йўқ, бир нафас дейиш керак, деб ўзи қизил қалам билан тўғрилаб қўйган.

Кўп йиллар ўтиб Навоийнинг "Лайли ва Мажнун"ида шундай байтни кўрдим: Бир пас чу тундин ўтди ул хайл,

Тушлуқ туши қилди уйқуға майл. Лугатларга қарадим. Пас – туннинг саккиздан бири, деб шарҳланибди. Демак, тахминан бир соатга тенг тунги муддат – пас, бир соатлик тунги соқчи – посбон, русча часовой маъносидаги атама бўлиб чиқди.

Ажабки, ўз сўзимиз бўлган пас жаҳон кезиб, яна ўзимизга пост шаклида, қўриқланадиган жой, соқчининг ўрни ҳамда лавозим маъноларини олиб қайтибди...

Демак, ўзбекнинг бир паси бир соат бўлар экан. Гапимни пас пасда тугатаман, деган сўзининг маъносини ўзингиз тушунаверинг.

Эркин Воҳидов,
«Сўз латофати» китобидан.

P.S. Ҳозирги тил метёёрлари бўйича бу сўз қўшиб ёзилади:
Бир пас | Bir pas ☑
Бирпас | Birpas ☑
@xatoliklar



Парирӯй санамлар

Парирӯй санамлар ақлим олсалар,
Армонлар дилимга гулув солсалар,
Оҳ десам, оҳларим етиб борсалар –
Гўзал дилдорга, ўшал дилдорга.

Ишқинг осмонда кузғунлар учса,
Исмингни баҳорлар гулдан сўраса,
Мен эмас, севгимни хаёлар кучса –
Бу жоним ҳалакда, жоним ҳалакда.

Бузилиб биз қилган аҳду паймонлар,
Кўнглимдан сув ичиб ўсди хижронлар,
Мени олиб кетди хуру ғилмонлар –
Осмону фалакка, осмон фалакка.

Сен босган излардан гуллади чаман,
Самолар қалбимдан излади маскан,
Фақат оғир бўлди, ўзинг суймаган –
Ўшал юракка, ўшал юракка...

ПАРИЗОД

Паризодим, гўзал малагим,
Орзуимдек оппоқ тилагим.
Бу оламда ўзинг керагим,
Кўксимдаги уйғоқ юрагим.

Кучоқ очса бағрикенг кунлар,
Шўх насимлар шодон шивирлар.
Юрагимда очилиб гуллар,
Сени гулдек суйсам паризод.

Олам-олам бағишлаб чирой,
Юлдузларга бўлиб эркатой,
Самоларда сайр айласа ой,
Сени ойдек суйсам паризод.

Муҳаббатдан сўз очган чоғлар,
Гўзалликка бурканса боғлар.
Пойимизга тиз чўкса тоғлар,
Сени тоғдек суйсам паризод.

Ёдга олсам сени наҳорлар,
Тарқалсалар дилдан губорлар.
Ҳамроҳ бўлса мудом баҳорлар,
Сени шундай суйсам паризод.

Паризодим, гўзал малагим,
Орзуимдек оппоқ тилагим.
Бу оламда ўзинг керагим,
Кўксимдаги уйғоқ юрагим.

СИНГИЛЛАРИМГА

Ҳар кун эмас, ҳар сония йўқлаганим,
Менсиз ярим кўнгиллари тўлмаганим.
Жон ҳалагим, жонимга жон сингилларим –
Шоҳидажон, Шоҳистажон, Шоиражон.

Кўк сомса-ю сумалаклар пиширганим,
Тошкандаги жигарига илинганим.
Ёғли патир ёпиб оғзи тегмаганим –
Шоҳидажон, Шоҳистажон, Шоиражон

Юрибман-да, мен ҳам сизга акаман, деб,
Ойда бир бор йўқламайин, кўкрак кериб.
Ўз боламга сиздан ортиқ меҳр қўйиб...
Шоҳидажон, Шоҳистажон, Шоиражон.

Сиз бор экан яшнаверар кўхна олам,
Завол топмас одамийлик, оқибат ҳам.
Бир онаминг ёнидаги учта онам –
Шоҳидажон, Шоҳистажон, Шоиражон.

Ёмон кўздан асрагувчи туморларим,
Дийдоримга мудом кўзи хуморларим,
Дил боғимдан унган жамбил-райҳонларим –
Шоҳидажон, Шоҳистажон, Шоиражон.

Бузрукворим қони оқар қонингизда,
Сизлар мени хўп соғинган онингизда.
Буғдойзорни босиб борай ёнингизга –
Шоҳидажон, Шоҳистажон, Шоиражон...

«Китобхонлик ҳафталиги» белгиланди

Жорий йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳамасининг «2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури тасдиқланди.

Миллий дастур китобхонлик маданиятини ривожлантириш, ижодкорлар, ноширлар ва китоб тарқатувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш

тизимини изчил ва самарали ташкил этиш орқали фаол китобхонлар сафини кенгайтириш, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Юртимизда 11 минг 92 та кутубхона ва ахборот-ресурс маркази бор. Шундан 9911 таси Халқ таълими вазирилик тизимидаги умумтаълим мактабларида, 981 таси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, 14 таси худудларда, 186 таси туман, шаҳарларда фаолият кўрсатади.

2018-2019 йилларда дарсликлардан ташқари, 1 587 номда 21 640 мингдан ортиқ нусхада китоб чоп этилган.

Қарорда нашриётлар

томонидан ёзувчиларга ажратиладиган гонорарни такомиллаштириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш, расом, дизайнер ва бадий муҳаррирларни моддий рағбатлантиришни тартибга солиш ҳам белгиланган.

2021 йилдан бошлаб ҳар йили апрель ойининг биринчи ҳафтасида «Китобхонлик ҳафталиги» ўтказилади.

Дастур уч босқичда – 2020-2021 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш; 2022-2023 йилларда китобхонликка оид инфратузилмани мустаҳкамлаш; 2024-2025



йилларда ёшларнинг китобхонлик маданиятини жадал ривожлантириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ўсиши ҳисобига инсон капитали сифатини яхшилаш амалга оширилади.

Шунингдек, «Энг яхши китобхон худуд», «Энг

яхши китобхон маҳалла», «Энг яхши китобхон таълим муассасаси» рейтинг ташкил этилади.

«Инсон ҳаёти давомида ўқиши лозим бўлган 100 китоб» лойиҳаси ҳаётга татбиқ қилинади.

ЎЗА

Эълон

ДИҚҚАТ, КИТОБ ШАЙДОЛАРИ, СИЗНИ ЧОРЛАЙМИЗ!

«Китоб маркази – китоб дунёси» тармоқ савдо маркази жамоаси Сиз азизларни 18 декабрь куни Бухоро шаҳридаги «ЕШЛАР МАРКАЗИ»да Бухоро вилоятида ўтказилган «ЭНГ КИТОБХОН МАКТАБ» лойиҳасининг биринчи босқичи якунларига бағишланган тантанали тадбирга таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими вазириликлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази, «Китоб маркази – китоб дунёси» тармоқ савдо марказлари ҳамкорлигида ўтказилган ушбу лойиҳа доирасида жами 533 та мактаб ҳамда 323 800 нафардан зиёд ўқувчи, шунингдек, уларнинг ота-оналари ва ўқитувчилари қамраб олинди.


«Китоб маркази – китоб дунёси» тармоқ савдо марказлари раҳбари Шухрат Ахунджановнинг таъкидлашича, 7 октябрда бошланган китоблар ярмаркасида 3 минг номдаги 200 мингдан ортиқ китоблар чинакам эгаларига етказиб берилди.

«ЭНГ КИТОБХОН МАКТАБ» лойиҳаси доирасида ўтказилган барча тадбирларда биринчи навбатда энг жажжи болажонлар асосий қаҳрамонга айланганини таъкидлаш жоиз.

Биринчи босқичнинг якуний тадбирида ҳам энг сара совғалар жажжи китобхонларга насиб этади. Шунингдек, тадбирда лойиҳанинг энг жонкуяр иштирокчилари бўлган кутубхоначилар, фаол мактаб директорлари, лойиҳани кенг ёритган оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда танлов ғолиблари тақдирланади.

Энг олий мукофот «НЕКСИЯ» автомашинаси эса «Энг китобхон мактабга» топширилади. Қуй-қўшиқлар янграйдиган, кўлига китоб олиб, киприкларини пирпиратганча чин дилдан қувонаётган болажонлар иштирокидаги китоблар оламига ташриф буюринг!

Кутамиз!
Хайрлашмаймиз!



ЎЗБЕКИСТОН
«МИЛЛИЙ
ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,

Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ,
Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Минҳожиддин МИРЗО,
Нодир МУХТОРОВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ,
Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ,
Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ, Шавкат ШАРИПОВ,
Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ

МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
Миробод тумани,
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.
Газета таҳририят
компьютер
марказида терилди
ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри
таҳририят нуктаи
назаридан фарқ
килиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборинида бўлиб, улар
муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:

Равшан МАХМУДОВ

Навбатчи:

Вилоятхон ШОДИЕВА

Дизайн:

Мамъуржон ҚУДРАТОВ

Электрон почта:

mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона (факс): (0-371) 232-12-03, +99897 741-20-22, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-мағбаа акциядорлик компаниясида
чоप этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

Алади – 2809.

Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Буюртма – 1226
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 2:30

ISSN 2010-7714

12345